


ҲАМДУЎСТИКДА

- Чеченистонга киритилган Россия қўшинлари бу республика пойтахти Грознийга 15-20 километр яқинлашиб қолдилар. Президент Жоҳар Дудаев қуролли бўлиналари билан сўнгги уч кеча-кундуз мобайнидаги тўқнашувларда Россия аскарларидан 9 киши ҳалок бўлди, 15 киши жароҳатланди.
- Ўтган кун Владаккада Россия ҳукумат комиссиясининг Чеченистон расмий делегацияси ва муҳолифатчи Муваққат кенгаш делегацияси билан алоҳида-алоҳида музокара-лари бошланди. Ҳозирча томонлар Чеченистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан катъий қарорга келган-ларича йўқ.
- Кеча Киев яқинида Украина билан Россия ҳукумат делегациялари ўртасида Қора денгиз флотини ўзaro бўлиб олиш юзасидан музокарада амалий натижаларга эришилди. Шунинг учун бу музокараларни 15-16 декабрда Москвада, сўнг 20 декабрда Киевда давом эттиришга қарор қилинди.
- Тожикистонда ўтказилган Президент сайловидан сўнг мамлакат ҳукуматини шакллантириш давом этмоқда. Айни вақтда ҳукумат раиси бўлган Президент Имомали Раҳмонов вазилик ва идораларни 20-30 фозга қисқартириш ниятидадир.
- АҚШ вице-президенти Альберт Гор бугун Москвага келди. У АҚШ билан Россия ўртасидаги иқтисод ва техно-нологик ҳамкорлик қўшма комиссиясининг навбатдаги маж-лисида иштирок этиди.

ХОРИЖДА

- АҚШ Президенти Билл Клинтон Россия қўшинларининг Чеченистонга киритилишини “Россиянинг ички муаммоси” деб баҳолади.
- Туркия ташки ишлар вазилиги Чеченистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишда Россияга ўз воситачилигини таклиф этиди. Туркия томони ана шундай таклиф билан президент Жоҳар Дудаевга ҳам муурожаат этиди.
- Касабланка шаҳрида Ислам конференцияси ташкилотига аъзо бўлган 52 давлат вакиллари Босния ва Герцеговинадаги ахволни муҳокама этмоқдалар.
- Брюсселда НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар муҳофаза вазирилари Билл Клинтон Ташкилотининг Босния ва Герцеговинадаги тинчликни сақлаш кучлари сафидаги ўз ас-карларини бу ердан олиб чиқиш кетишини муҳокама этмоқдалар. Маълумки, Буюк Британия билан Франция Босния ва Гер-цеговинада ўзаро жаанглар яна авж олиб кетиб, аскарлари ҳаётга таҳдид туғилганига сабабли уларни бу ердан олиб чиқиш кетишга қарор қилган эдилар.
- Японияга таширф билан келган Исроил Бош вазири Исхок Рабин Исроил ядро қурол-яроғини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилиш ниятида эмаслигини бил-дирди.
- Қирғизистон ва Покистон раҳбарлари Исламободда им-золанган қўшма баёнотга диний мурасасизлик ва фундамен-тализмга қарши қаршишга катъиятларини баён этидилар.
- Сўнгги маълумотларга кўра Руандада миллий низо оқибатдаги можароларда камида 500 минг киши ҳалок бўлган. Айни пайтда Руандада фуқаролар уруши пайтида мамлакатдаги уруғлик захираси бутунлай йўқ қилинганлиги сабабли кел-гусида аҳоли очликка дучор бўлиши ҳам кутуляпти.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



12 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги факултода ва мухтор элчиси С. Эскудерони унинг илти-мосига биронон қабул қилди. Суҳбат чоғида Марказий

Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, То-жикистондаги вазият, Тожикист-он — Афғонистон чегараси-даги кескинликни бартараф этиш, жафокаш тожик халқига ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ин-

сонпарварлик ердамини уюш-тириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Рес-публикаси ташки ишлар вазири А. Комиллов иштирок этиди. Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг

Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Генри Лия Кларк хозир бўлди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. А. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ-НИНГ ФАХРИЙ ЁР-ЛИҒИ БИЛАН МУ-КОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, Ўзбек шарқшунослиги фан-иниши ривожига қўшган салмоқли хиссаси ва иқтисодий ҳаёдаги фа-оли иштироки учун Ўзбекистон Фан-лар академияси Абу Райхон Бери-унинг номидagi шарқшунослик ин-ститутининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори Муталиб Аҳмедовни Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 12 декабрь.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

Бир корхона хабарлари СИНОВДАН ЎТДИ

“Олдуз” хиссалорлик жамияти хозирги кун талаблари асосида меҳнат қилиб махсуслот турларини кўпайтириб бормоқда. Масалан корхона аёллар учун юбкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Яқинда конструктор-модельерлар томонидан яратилган эркаклар пилатонини ҳам тибик чиқариш синов-дан ўтказди. Дастлабки тайёр бўлган махсуслотлар корхонага қарашли фирма дўконларига жўнатилади. Келгуси йилдан бошлаб эса эркаклар пальтоси тибик чиқарилиши ҳам режалаштирил-моқда.

Олий ўқув юр்தларида ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАН КУНИ

Тошкент автомобиль ва йўллар институти Маданият саройи хар гагидан ҳам бу сафар ниҳоятда гажум бўлди. Бу ерда талабаларнинг илмий-техник анжумани бўлиб ўтди. Институт проректори, профессор Х. Н. Диметов талабалар фан кунини очар экан, истикболли келажакимиз фан тар-раққети, унинг халқ хўжалигида қўланиши билан боғлиқлиги, талаба-ешлар эса фанимиз ривож учун асос бўлишини алоҳида таъкидлади.

Талабалар Кичик академиясининг президенти, профессор Али-жон Жумабоев “Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш хозирги кун талаби” мавзусида автотранспортнинг бугунги мамлакатимиз миқёсидаги муаммолари ва ешлар, айниска изланувчи-тадқиқотчилар олдидagi долзарб вазифалар ҳақида муфассал тўхтади.

Шунингдек, биринчи курс талабаси Усмонов Усубжоно-вининг “Мирзо Улугбекнинг иқтисодий-сиёсий қарашлари” мав-зусидаги маърузаси мароқ билан тингиланди.

Институтнинг олти устувор йўналиши бўйича талабалар маърузалари ниҳоятда қизиқарили ўтди. Жумладан, профессор С. Қодиров раҳбарлигидаги “Автомобилсозлик”, профессор Г. Қосимов бошчилигидаги “Транспорт иқтисодиёти”, профессор, Беруний номли республика муҳофизоти совриндори А. Эшонқўжаев раҳбарлик қилган “Транспорт қурилиши”, Рес-публикада хизмат қўраётган фан арбоби, профессор А. Му-талибов раҳбарлигидаги “Энергиядан самарали фойдаланиш” каби устувор йўналишлар фаолияти самарали ўтаётганлиги маълум бўлди.

Анжуман сўнгидagi бир гуруҳ талабаларга моҳир маърузачи, автомобилчи-йўлчи, лойиҳачи, иқтисодчи каби фахрий номлар берилди.

Карим НОРМАТОВ.

Меҳнат жамоаларида ШОВҚИНСИЗ ДАСТГОҲЛАР

“Тошкент тўқимачилик ком-бинати” ип-газлама ишлаб чиқариш бирилшмасининг би-ринчи тўқув фабрикасининг 3-цеҳида ўрнатилган янги тидаги шовқинсиз тўқув дастгоҳлари бир маромда ишлаяпти. Улар-нинг узлуксиз намунали ишла-шини таъминлаб турган тўқувчи кизлар меҳнати диққатга сазо-вордир. Айниска еш тўқувчи За-мира Каримованинг ҳаракати диққатга сазовор. У ҳар бир дастгоҳнинг икки-чиқиридан тортиб, тайёрланаётган махсу-лотнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Бу, ал-батта, тўқувчидан катта шижоат талаб қилади. Замиранинг би-ринчи тўқув фабрикасида иш бошлаганига хали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Бирок тўқув ус-куналарининг мураккаб сир у-сорларини мукамал эгаллаб олди десак муволага қилмаган бўламыз. Чунки янги тидаги тўқув дастгоҳининг т ў қ қ и з т а с и н и б о ш қ а р а е т т а н и н г ў з и е қ ў з т е н қ у р л а р и о р а с и д a ҳ а қ л и р а в и ш и d a ф а х р т у й г у с и н и у й г о т а д и.

Баҳодир ОРНПОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокими К.Н. Тўлағановнинг фармойиши билан Комилжон Жўраевич Топшўлатов Собир Раҳимов тумани ҳокими этиб тайинланди.

Комилжон Жўраевич бошлиғи, бош муҳандис, Топшўлатов — 1944 йил-да туғилган, ўзбек, олий маъ-лумотли, 1970 йилда Тошкент темир йўл муҳандислари ин-ститутини тугаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда “Тошдавлатойнхстрав”да муҳан-дисликдан бошлаган. Сўнг “Ўртасиетранскурлиш”, “Тош-бошқурилиш”да прораб, участка

25 декабрь — Сайловлар кунини НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Хозирда шаҳримизнинг ҳар бир туманида Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига ном-зодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Акмал Икромов туманидаги 24-ўрта мактабда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 4-Зие Саид Сайлов округидан номзодлари кўрсатилган Наримон Орифжонов ва Садриддин Хасановларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда номзодларнинг ишончли вакиллари депутатликка номзодларнинг таржимаи холи ва меҳнат фаолияти ҳақида гапириб бердилар.

Сўнг депутатликка номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан таништирдилар. Келажакда амалга оширажак режалари ҳақида гапириб бердилар. Йигилганларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Собир Раҳимов туманидаги “Расулбод”, Рўзи Ашуров, “Те-мирийўчи” маҳаллалари аҳлининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депу-татлигига номзоди қўйилган Хотам Абдураимов ва халқ депу-татлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод Мурод Алимовлар билан учрашуви бўлди.

Дастлаб номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятлари билан сайловчиларни батафсил таништиришди. Маълумки, Собир Раҳимов туманининг каттагина ҳудудда яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисминини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида”ти қарорига кўра, кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари бошланиш арафасида турибди.

Маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва фахрийлар иштирок этган ушбу учрашувда иккала номзод ҳам юқоридagi масалалар бўйича ўларнинг режалари ва маҳаллалардаги баъзи муаммоларни бартараф этиш хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар. Сўнг сай-ловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўз мухбирларимиз.

НАВБАТДАГИ МАЖЛИС

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар ўтказиш бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги маж-лиси бўлиб ўтди.

Мажлисини шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Г. Бухоров бошқарди.

Мажлисида шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Расулов, шаҳар телефон алоқаси ва радиоланштириш ишлаб чиқариш бирилшмасининг бош муҳандиси Ш. Одилов, “Озик-овқат” корпорациясининг раиси ўринбосари М. Соатовнинг Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар ўтказиш юзасидан белги-ланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлари тинг-ланди.

Мажлисида сайловлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎТТИЗ ОЛТИ ОИЛА ҚУВОНЧИ

Яқинда “Сергели — 5” мавзесида яна битта бу турар жой биносини ўз вақтида топширибгина турар жой биноси фойдаланишга топширилди. қолмай, уйда қурилиш-тиклаш ишларини аъло Мавзедagi бу 7-ўйда қурилиш ишларини 1-уйсоз-даражада бажаришди. Пардозловчилар эса ҳар лик комбинати бунёдкорлари амалга оширишди. бир хонадонларнинг сувоғи, бўёғи ва бошқа ишларини қиемига етказиб бажаришди.

Ғани ЕСЕНОВ.

ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИН

Йўлдош Оқунбоев номидаги республика еш томошабинлар те-атри болалар учун қўйлаб қизиқари асарларини сахналаштиришмоқда. Яқинда жамоа танили адиб Тоғай Мурод қаламига мансуб “От қишлаган оқшом” асарини томошабинларга тақдим этиди.

Асарни театрининг естетодли режиссери Олимжон Салимов сахна-лаштирган. Бу роляларни эса Ўзбекистонда хизмат қўраётган артист Гулҳеҳра Саъдуллоева, Фарход Аминов, Худоев Топшўлатов ва бошқалар ижро этишган. Ушбу томошада инсоннинг табиат билан муносабати асосий мавзу қилиб олинган.

Ўзлабоб ҚАРШИЕВ.

“СИМЕНС”НИНГ ИСТАГИ

Тошкент алоқа Электротехника институтида Германиянинг “Сименс” фирмаси анжумани бўлиб ўтди. Бу фирма бугунги кунда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакати билан телекомму-никация соҳасида ҳамкорлик қилмоқда, унинг махсуслотларини хозирда 70 дан ортиқ давлат сотиб олади. Шунингдек, фирма 246 ишлаб чиқариш корхонасига эга.

Анжуманда “Сименс”нинг пойтахтимиздаги вакили Дитер Шарф сўзга чиқиб, ушбу фирма Марказий Осиё давлатлари каби Ўзбекистонга ҳам энергетика, транспорт соҳаларида, алоқа тизими, тиббиёт техникаси ва шахсий компьютерлар ишлаб чиқариш борасида ердан бериш истағида эканини билдирди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

“ЁҒДУ” НАМОЙИШ ЭТАДИ

Ижодий жамоалар қанчалик кўп бўлмасин, санъатсевар халқимиз уларнинг томоша залларини тўлдирди, ўз баҳоларини бердилар. “Фотон” ишлаб чиқариш бирилшмаси қошида фа-олият қўраётган “Ёғду” вокал-чолгу дастасининг илк кон-церт томошалари ҳам эстрада шинавандалари билан гажум ўтди. Ўзбек миллий эстрадасининг энг яхши намуналари, эрон-тожик, хиңд қуй ва қўшиқлари билан жозибали концерт дастури тайёрлаган даста катта оқшоллар билан кўтүб олинди. Айниска даста талқинидаги янги тайёрланган миллий эстрада қўшиқлари, халқ оғзидagi ижодий дастурлари барчага манзур бўлди. Дастурни дастанин бадий раҳбари Иктиержон Ис-моилов сахналаштирган.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.

РАҚҚОСАНИ ХОТИРЛАБ

Шайхонтоҳур туманидаги ева олиб борди. У раққоса мақтабга тарбия муассасала-рида машҳур замондошлари-мизни таништириш маросими-ни бўлиб ўтмоқда. Яқинда ана шундай мазнундаги кеча 567-Болалар маскандида бўлиб ўтди. Бу ерга йигилганлар машҳур раққоса Муқаррама Тургунбоеванинг “Тановор”, “Дилжирож”, “Жо-нон” ва бошқа рақсларини иж-ро этидилар. Шунингдек, гу-руҳнинг Манзураҳон, Фар-руҳжон, Дилдорахон, Наргиза-хон каби жажжилари Ватан мавзусидаги шеърларни йигилганларга қисқача гапириб йигилганларга ўқиб бердилар.

Ўндан кейин Ботир Зокиров номидаги танлов голиби Аб-дулла Қурбонов бошчилигида-ги “Абдулла” гуруҳи “Кувей-тўра”, “Абдулла” ва бошқа қўшиқлари билан йигилганларни хушнуд этди.

Ғнес ЮНУСОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ
1994 йил 25 декабрь
САЙЛОВЛАР КУНИ

Ботир ЮСУПОВ
31-Темир йул сайлов округи



Ботир Юсупов 1940 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1959 йилда Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғувчи-чилангар касбда бошлаган. 1962 йилда армия сафида хизматни ўтаб қайтган, авиасозлик бирлашмасида электрия-синовчи сифатида ўз мехнат фаолиятини давом эттирди. Ва 1987 йилгача ушбу корхонада муҳандис-технолог, катта муҳандис-технолог, лаборатория бошлиғи, бош метролог муовини лавозимларида ишлаган. Юклатилган вазифаларга юқори масъулият ва жонқурлик билан бериб бериш тўғрисида 1983 йилда бирлашма партия кўмитасининг қотиби этиб сайланди. 1987-1990 йилларда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Кенгашининг қотиби вазифасида фаолият кўрсатди. 1990 йилда Ҳамаза тумани партия кўмитасининг биринчи қотиби, кейинчалик халқ депутатлари Ҳамаза туман Кенгашининг раиси лавозимларида ишлаган.
1992 йилдан хозирги давргача Ҳамаза тумани ҳокими лавозимида фаолият кўрсатмоқда.
Ботир Юсуповнинг бевосита иштирокида туманда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, туман аҳолисининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Тумандаги ноҳор оилаларга моддий ердан қўриқмоқда, ҳудуддаги барча бозорлар таъмирланиб, аҳолига қўлайлиқлар яратилмоқда.
Ботир Юсупов меҳнатда эришган ютуқлари учун "Фидокорона меҳнати учун", "Меҳнат фахрийси" медаллари ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Мирбори МИРАЮБОВ
35-Жаркўрган сайлов округи



Мирбори Мирайубов 1936 йили Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
1971 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг иқтисод ва моддий-техника таъминоти ражлаштириш факультетини тамомлаган.
Мехнат фаолиятини 1955 йилда республика Маданият вазирлигига қарашли ишлаб чиқариш устаносида электр ўрочи касбидан бошлаган.
1956-1959 йилларда армия сафида хизмат қилган. 1960-1961 йилларда корхонада электромонтер, 1961 йилдан 1963 йилгача Тошкент Алоқа институтини механик, 1964 йилдан 1967 йилгача "Ўзкиноснаб" бошқармасида катта муҳандис, кейинчалик бошлиқ муовини, 1967 йилдан Ўзбекистон бош таъминот тизимида ишлаган, бўлим бошлиғи бўлган, Тошкент вилоят базаси директорининг муовини, кейинчалик "Ўзбошқиметаминот" базаси директори муовини ва директори бўлган. 1974 йилдан 1976 йилгача Ўзбекистон гўшт-сут саноат вазирлиги базасида директор муовини, 1976 йилдан 1978 йилгача "Ўзбошалоқатаъминот" бошқармаси бошлиғи лавозимида хизмат қилган. 1978 йилдан "Тошкент қозғ" фабрикасида аввал директор муовини, 1991 йилдан эса директор сифатида фаолият кўрсатди. Фабрика "Ўзбек қозғи" хиссадорлик жамиятига айлантирилган, у шу жамият бошқаруви раислигида сайланди.
Туман ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. М. Мирайубов туман саноат корхоналари раҳбарлари кенгаши раиси. У халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши депутатлигига сайланган.
М. Мирайубов "Шаҳадат меҳнати учун" медали билан мукофотланган.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Ботир ХЎЖАЕВ
39-Қатортол сайлов округи



Ботир Хўжаев 1956 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
1974-1979 йилларда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ўқиб муҳандис-қурувчи мутахассислигини эгаллаган. Ўқув юрти битирганидан сўнг иш фаолиятини "Тошкентбошқурилиш" бошқармаси II-трестининг 75-қурилиш бошқармасида уста вазифасида бошлаган. Армия хизматини ўтаб қайтанидан сўнг 1981-1982 йилларда "Тошкентбошқурилиш" бошқармаси II-трестининг 17-қурилиш бошқармасида уста ва пробаб сифатида фаолият кўрсатди.
1982 йилдан 1986 йилгача "Тошкентбошқурилиш" бирлашмаси 153-трестининг 39-қурилиш бошқармасида бош муҳандис вазифасида ишлаган. 1986-1987 йилларда Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси қурилиш бош бошқармасида бошлиқ ўринбосари, 1987-1990 йилларда эса "Тошкентбошқурилиш" бошқармаси 153-трестиди бош муҳандис лавозимларида ишлаган.
1990 йилдан 1992 йилгача Тошкент шаҳар ижроия кўмитасида қурилиш бўлимининг мудири сифатида фаолият кўрсатган. 1992 йили Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосарининг ердამчиси лавозимида ишлаган. 1992-1994 йилларда Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлган. 1994 йил июнь ойидан хозирга қадар Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — истиқболли белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.
Ботир Хўжаев ишчи оқило ва энчи ташкил этиши, кишилар билан яхши тил топиши, ҳаётий муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиши, аҳолининг ташвиши ва эҳтиёжларига зийрак муносабати билан катта ҳурмат қозонган.
Оилали. Битта фарзанди бор.

Ахат ХАЙТОВ
43-Навий сайлов округи



Ахат Хайтов 1940 йили Самарқанд вилояти Пастдаргом туманининг Меҳнат қишлоғида жамоа ҳўжалиги аъзоси оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1960 йилда Тошкентдаги "Ўртасиетрансқурилиш" трестига қарашли махсус механизациялаштирилган поездда дурадгорлик касбидан бошлаган. 1960-1966 йилларда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича ўқиб битирган, йўллама билан Тожикистон Республикаси, Хисор туманидаги Чиптура консерва заводида 1966-1967 йилларда қурувчи-муҳандис, катта муҳандис-конструктор вазифаларида ишлаган. 1967-1970 йилларда "Тошкентбошқурилиш" бошқармаси 8-қурилиш трестига қарашли 44-қурилиш бошқармасида иш юритувчи вазифасида фаолият кўрсатди. 1970-1971 йилларда республика Қурилиш вазирлигига қарашли 95-тезорок механизациялаштирилган колоннасида ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаган. 1971 йилда Самарқанд шаҳридаги 1-механизациялашган ишчи соғлашган бошқарманинг муҳандиси. 1971-1974 йилларда Самарқанд вилояти партия кўмитаси қурилиш бўлимида йўриқчи сифатида ишлаган. 1974-1975 йиллари Самарқанд шаҳар ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. 1975-1978 йилларда эса Самарқанд вилояти йўл-қурилиш ва ундан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган. 1978-1979 йилларда олий партия мактабиди тахсил олди. 1979-1984 йилларда эса Самарқанд вилояти Магистрал автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган. 1984-1988 йилларда Самарқанд вилоят қурилиш бирлашмасининг бошлиғи вазифасида ишлаган. 1988-1993 йилларда республика Вазирлар Маҳкамасига қарашли "Ўзуриллишегосанот" бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, биринчи ўринбосари, 1993 йил август ойидан бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.
А. Хайтов "Ўзуриллишегосанот" бош бошқармасида қурилиш ишларини бошқариб, тармоқни ривожлантиришга, янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриб, фойдаланишга топширишда катта ҳисса қўшди.
А. Хайтов халқ депутатлари Самарқанд шаҳар ва Самарқанд вилоят Кенгашининг депутати этиб сайланган.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Иқбол АГЗАМОВА
32-Авиасозлар сайлов округи



Иқбол Агзамова 1939 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
1956-1962 йилларда Тошкент тиббиёт институтини таълим олган. Мехнат фаолиятини 1962 йилда шифокор-терапевт вазифасида бошлаган. 1968-1972 йилларда 2-шаҳар касалхонасида шифокор-окулист, 1977-1973 йилларда методика хонаси мудири, 1973-1976 йилларда Тошкент вилояти касалхонасида кўз касалликлари бўлими мудири, сўнг вилоят кўз касалликлари диспансерида методик бўлими мудири. 1982 йили санитария илмий-тектириш институтини шифокор-офтальмолог вазифасида ишлаган. 1982 йилдан хозирги давргача Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт-санитария касалхонасида шифокор-офтальмолог сифатида фаолият кўрсатмоқда.
И. Агзамова ўз хизмат вазифаларига жонқурлик ва масъулият билан бериб бериш. Ҳамкаслари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор. Туман ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этади. Ҳамаза тумани хотин-кишлар кенгашининг раиси сифатида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Махаллада ахлига қайишди. Махаллалардаги ноҳор оилаларнинг рўйхатини тузишда ва уларга моддий ердан бериб тадбирларни амалга оширишда фаолият кўрсатиб келмоқда.
Оилали. Беш фарзанди бор.

Тоҳир ЗОКИРОВ
36-Қурувчи сайлов округи



Тоҳир Зокиров 1949 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1964 йилда "Сувош" трестининг Бўсов бош қурилишида бошлаган. 1967 йили Тошкент политехника институтини ўқиниб чиқиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1973 йили муҳандис-қурувчи касби бўйича тугатди.
1969 йилдан буюн "Боштоққурилиш" — хозирда "Тошкентқурилиш" корпорацияси таркибига уста, ишбоши, катта ишбоши, бош муҳандис, қурилиш бошқармаси бошлиғи ва трестининг бош муҳандиси лавозимларида ишлаган.
1989 йилдан 12-қурилиш трестининг бошқарувчиси этиб тайинланди. 1993 йили Тоҳир Зокиров "Тошкентқурилиш" Давлат хиссадорлик-қурилиш корпорацияси раиси этиб сайланди.
У ўй-ўй, ижтимоий-маданий-маиший бинолар қурилишига, ишлаб чиқаришда фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, қурилишнинг ҳорийий таърирларини жорий қилишга алоҳида эътибор беради.
Корпорация ҳокимиди ўқув марказида еш мутахассисларни тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган.
Тоҳир Зокиров атоф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига жиддий ёндашган ҳолда шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси билан биргаликда корпорация ҳокимлари ўртасида ўқув машғулотлари ўтказиш тўғрисидаги эришган фуқароларни ижтимоий химоя этиш тадбирларида ҳам фаолият кўрсатган.
Тоҳир Зокиров "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи" унвани ва "Хурмат белгиси" ордени билан тақдирланган.
Оилали. Битта фарзанди бор.

Сергей ДАЙБЛОВСКИЙ
40-Қўтарма сайлов округи



Сергей Дайбловский 1949 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Миллати рус. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1966 йилда Тошкент газ аппаратлари корхонасида йиғувчи-чилангар сифатида бошлаган. Армия хизматини ўтаган, 1970-1975 йилларда "Лифтгаъмир" таъмирлаш-қурилиш бошқармасида электр-механик, 1975-1980 йилларда Тошкент офсет фабрикасида электр-механик, 1980-1981 йилларда "Ехнолог" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ва 1981-1986 йилларда "Ўзсаноаткоммунояйиха" институтини электр-механик вазифасида ишлаган. 1986-1989 йилларда эса "Ўзгросаноатқурилиш"нинг ишлаб чиқариш техника сифатида фаолият кўрсатган. 1989-1992 йилларда "АРХ-қурилиш" ишлаб чиқариш бирлашмасини раҳбар сифатида бошқарган. 1992 йилдан хозирга қадар "Тошкентлифт" трестининг бошқарувчиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.
С. Дайбловский "Тошкентлифт" трестиди ишлаётган даврда Ўзбекистонда ва хусусан Тошкентда кўп қаватли уйларда лифт мослаштирилиш яхши ишлашига, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъмирлашга эришди.
У ишчи оқилона ташкил этиш, ўзига ва қўл остидагиларга талабчанлиги, ҳодимларнинг эҳтиёжларига зийраклиги билан танилди. Халқ таълими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кам таъминланган оилаларнинг ердан тўғрисидаги илтимосларига эътибор билан ёндашди. "Олмазор" мавзесида 90-ўрта мактаб, махалла идораси биноси, таъмирлаш ҳамда кам таъминланган оилаларга доимий равишда моддий ва маънавий ердан кўрсатмоқда.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Усмон НИЯЗОВ
44-Фуркат сайлов округи



Усмон Ниезов 1948 йили Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисаб туманидаги Мирож қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
1966 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1967 йилда Самарқанд кооператив институтини кирати ва уни 1971 йилда иқтисодчи-хисобчи мутахассислиги бўйича тугатди. 1971-1977 йилларда Шаҳрисаб туман матлубот жамиятида катта хисобчи, 1977-1978 йилларда Сурхондарё вилоятининг Гагарин туман ишчилар ширкатида катта хисобчи, нон заводи директори лавозимларида ишлаган. 1978 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат таъминот кўмитасининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бош хисобчиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари, 1988 йилдан эса бошқарма бошлиғи, 1991 йилдан республика Давлат таъминот кўмитаси Қашқадарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи, 1992 йилдан "Ўзшартномасавдо" уюшмасининг "Қашқадаршартномасавдо" худудий бирлашмасининг бошлиғи, вилоят ҳокимининг ўринбосари бўлди ва 1994 йилнинг май ойидан бошлаб "Қашқадарёулғуржибиржасавдо" хиссадорлик жамиятининг бош директори лавозимида ишлаган. 1994 йилнинг август ойидан "Ўзулғуржибиржасавдо" уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.
1990-1994 йилларда Қашқадарё вилояти Кенгашига депутатликка сайланган.
Оилали. Беш фарзанди бор.

Қодиржон РАҲИМЖОНОВ
33-Лисунов сайлов округи



Қодиржон Раҳимжонов 1950 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1968 йилда Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида чилангарликдан бошлаган. 1972-1975 йилларда Фрунзе тумани озиқ-овқат савдо корхонасида сотувчи шоғирди, кичик сотувчи, улғуржи-чакана савдо идорасининг 5-бўғимиди катта сотувчи, дўкон мудири, 1975 йилдан "Ҳамаза" савдо ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти корхонасида катта сотувчи, дўкон мудири, товаршунос, ташкилий бўлим бошлиғи, директор муовини, директор, акционерлик жамияти раиси лавозимида ишлаб келмоқда.
Қодиржон Раҳимжонов ўзига ва ҳодимларга талабчан. Мехнат жамоасида ҳурмат ва обрўга эга. У "Озиқ-овқат" хиссадорлик улғуржи-чакана савдо бирлашмасининг жамоат ва хайрия ишларида фаол қатнашди. Қодиржон Раҳимжонов бирлашма бошқаруви аъзоси.
Қодиржон Раҳимжонов савдо аълочиси.
Оилали. Тўрт фарзанди бор.

Анвар АЛИЕВ
37-Олмазор сайлов округи




Анвар Алиев 1950 йили Андижон вилояти "Ойин" қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1968 йили Андижон вилоятидаги "Ойин" давлат ҳўжалигида ишчи сифатида бошлаган. 1974 йили Тошкент политехника институтини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича битирган армия сафарида хизмат қилган. 1976 йили Андижон вилояти Куронтена тумани пахта тозалаш заводида муҳандис-қурувчи бўлиб ишлаган. 1977 йилдан 1989 йилгача комсомол ва партия идораларида фаолият кўрсатган. 1989-1992 йилларда халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши ижроия кўмитасининг раиси лавозимида ишлаган. 1992 йил январдан ўша йилнинг июнигача Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1992 йил июндан хозирга қадар Чилонзор тумани ҳокими сифатида фаолият кўрсатмоқда.
Туман ҳокими лавозимида ишлаётган даврда аҳолининг халқ истеъмол моллари билан таъминлашда қўлайлиқлар яратиш мақсадида "Бешегон" дехкон бозорини қайта таъмирлаш, туманининг бир неча жойларида савдо расталари қурилишига катта эътибор қаратди. "Махалла" дастурини амалга ошира бориб, махаллаларни таъмирлаш, сув ўтказишнинг янги шакллари ривожлантиришга кўч қўй ва гайрат сарфлагани.
Анвар Алиев истиқболли йўналишларни топа билгани, ишчи тўғри ташкил эти олиши, кишиларга меҳрибонлиги билан туман аҳолиси ўртасида ҳурматга сазовор.
У 1990 йили халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати этиб сайланган. Депутатлик даврида аҳолининг талаб-истакларини эътибор олиб У. Юсупов, "Чарх-Қамолон" махаллаларида гузарлар қурилишига, туман ҳудудини ободонлаштириш ишларида салмоқли ҳисса қўйган.
Оилали. Икки фарзанди бор.

Шавкат АЗИЗОВ
41-Машраб сайлов округи




Шавкат Азиев 1960 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Партияси.
Мехнат фаолиятини 1977 йилда "Тошкент тўқимачилик комбинати" ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи сифатида бошлаган. Армия хизматини ўтаб қайтанидан сўнг 1981 йилдан хозирга қадар Ўзбекистон давлат телерадиоконманиясида администратор, муҳаррир, катта муҳаррир вазифаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.
Ш. Азиев 1989 йили ўз муаллифлигида ташкил этилган "Ҳамшахарлар" ва унинг иловаси бўлган "Менинг махаллам" кўрсатуварларида тарих, қадрият, экология, ўй-жойлар қурилиши, ободонлаштириш муаммоларига катта эътибор бермоқда. Махаллалар мавқеини қайтадан тиклаш, махалла қувончи ва ташвишини еритиш, республика "Махалла" хайрия жамғармаси, "Махалла" дастурини тузиб, ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашди.
1992 йили Ш. Азиев Чилонзор тумани "Мевазор" махалласи фуқаролар йиғини раиси (оксокол) этиб сайланди. Икки йилдири, у республика "Наврўз", "Махалла" хайрия жамғармалари, "Тинчлик", "Меҳр-шафқат" жамғармалари кўмағида республика махаллаларидаги кам даромадли оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган хонадонларга совға-саломлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, ногиронлар аравачаларини тарқатишда жиҳодан ердан бериб келмоқда.
Ш. Азиев ишчи оқило ва энчи ташкил этиши, фикрининг теранлиги, ўзига талабчанлиги, махалла аҳолининг эҳтиёжларига зийрак муносабати билан ҳурмат қозонди.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Омонулла САФОВЕВ
45-Катта Бөг сайлов округи



Омонулла Сафоев 1945 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1962 йилда Тошкент ипак йўловчи фабрикасида таъмирловчи-чилангар сифатида бошлаган. 1968-1971 йилларда Республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигининг техника бошқармасида муҳандис сифатида фаолият кўрсатган. Сўнг 1972-1973 йилларда мазукур вазирликда катта муҳандис вазифасида ишлаган. 1973-1980 йилларда Калинин тумани партия кўмитасида ташкилий ишлар бўлимининг йўриқчиси, ишлаб-чиқариш-транспорт бўлимининг мудири сифатида фаолият кўрсатган. 1980-1984 йилларда Тошкент вилояти партия кўмитасида молия-ҳўжалик бўлими мудирининг муовини вазифасида ишлаган. 1984-1986 йилларда халқ депутатлари Калинин туман ижроия кўмитаси раисининг муовини лавозимида фаолият кўрсатган. 1986 йилда республика қасаба уюшмалари кенгашининг шўъба мудири, 1986-1993 йилларда махаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ишчилари қасаба уюшмаси республика кўмитасининг раиси, Марказий кўмитаси раиси лавозимларида меҳнат қилди. 1993 йилдан хозирга қадар Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгашининг раисидир.
О. Сафоев Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раисатининг аъзоси, Республика "Махалла" ва "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаларининг Тошкент шаҳар бўлимлари бошқарувининг аъзоси сифатида шаҳар меҳнаткашларини ижтимоий химоя этиш, уларнинг меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза этиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Унинг ташаббусига кўра шаҳар корхоналарига қарашли бўлган соғломлаштириш оромгоҳларида ҳар йили шаҳардаги барча болалар уйларида тарбияланувчилар бепул йўлланмалар билан дам олиши ташкил этилган.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Неъматжон ХАСАНОВ
34-Янгибод сайлов округи



Неъматжон Хасанов 1936 йили Фарғона вилоятининг Қува туманида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси. Тарих фанлари номдори.
Мехнат фаолиятини 1958 йилда ишчи сифатида бошлаган. 1963 йили Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тугатиб, Ўзбекистон Давлат кинематография кўмитасида раис ердამчиси, катта назорати вазифаларида ишлаган. 1966 йилдан 1993 йилгача Тошкент политехника институтини (хозирги техника университети) ассистент, катта йиғувчи, доцент лавозимларида фаолият кўрсатди. Хозирги кунда Н. Хасанов Ҳамаза туманидаги "Ноир" махалласининг оксоколдир, Шунингдек, у бошчилик қилаётган Ҳамаза тумани "Махалла" жамғармаси ҳам ҳудуддаги махаллаларга моддий ердан бериб ва махаллалар ишлари янада яхшилаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.
Бундан ташқари Н. Хасанов Республика "Махалла" хайрия жамғармасини ташкил этишда фаол қатнашди, шунингдек, Тошкент шаҳар "Махалла" дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, пойтахт махаллалари низомини ишлаб чиқишда кўч-ғайратини сарфлагди. У махалла оксоколи сифатида махаллада ешларни тарбиялаш, илмий байрамлари кўтарини руҳда ўтказиш, ноҳор оилаларга моддий ердан бериш ишларини яхши йўлга қўйган. Н. Хасанов туман махалла оксоколлари кенгаши раисининг муовини сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.
Н. Хасанов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.
1990 йилда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланган.
Оилали. Беш фарзанди бор.

Бахтиёр ТОҲИРОВ
38-Қозиробод сайлов округи



Бахтиёр Тоҳиров 1952 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
Мехнат фаолиятини 1970 йили Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими автобасида диспетчерликдан бошлаган. 1973 йилдан "Кинескол" таъмирлаш-синов заводи иқтисодчиси лавозимида ишлаган. 1975 йили "Саноатни ражлаштириш" мутахассислиги бўйича Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг кечки бўлимининг битирган. 1975 йилдан 1977 йилга қадар Тошкент шаҳар ижроия кўмитасининг бош хисобчи марказида катта муҳандис. 1977 йилдан 1986 йилгача Ўзбекистон Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармасида назоратчи-тафтишчи, катта назоратчи-тафтишчи лавозимларида ишлаган.
1986 — 1990 йилларда Ленин тумани молия бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатди. Хозирги кунда Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг Молия бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.
Бахтиёр Тоҳиров иқтисодий соҳасида етук мутахассис, ташкилотчи сифатида эга. Мураккаб масалаларни тез ва мустақил ҳал этади. Ҳодимларнинг ташаббусини қадрайдди ва қўллаб-қувватлайди.
У 1990 йилдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раисатининг аъзоси.
Оилали. Уч фарзанди бор.

Абдурашул ШОКИРОВ
42-Хайробод сайлов округи



Абдурашул Шокиров 1952 йили Тошкент вилояти. Пискент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Ўзбекистон ХДП аъзоси.
1974 йили Тошкент давлат консерваториясини концерт ижрочиси ва ўқувчиси иқтисодчиси бўйича тамомлаган. Армия сафарида ўз хизмат бурчини ўтаган. 1975 йили Гулистон шаҳридаги мусика билим юртида ўқувчи бўлиб ишлаган. 1976 йилдан Алишер Навоий номи академик катта театрида оркестр солисти сифатида фаолият кўрсатган. 1982 йили Ленин комсомол номи маданият ва истироҳат боғида руҳовий оркестр ташкил этиб, унга бадиий раҳбар ва дирижер бўлиб ишлаган. Унинг раҳбарлигида оркестр республика кўрик-танловига бериб иштирок биринчи ўринни эгаллаб келган.
1991 йили Чилонзор тумани маданий-оммавий ишлар бўлимида мудири ўринбосари лавозимида фаолият юритган. 1992 йилдан хозирга қадар Чилонзор тумани маданият бўлимининг мудири лавозимида ишлаб келаяпти.
А. Шокиров Чилонзор туманидаги махаллаларда тез-тез турли туман маданий-оммавий, соғломлаштириш, маънавий ривожланиш борасидаги тадбирлар, бевосита мулоқотлар ўтказиб туради. Айниқса, унинг бошчилигида ўтказилаётган халқ байрамлари, турли мавзулардаги кечалар, Наврўз, Ўзбекистон мустақиллиги, Конституция кўни байрамлари, Халқроқ қариялар ва Ватан химоячилари кўнига бағишланган ажойиб байрам тадбирлари ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради.
У. А. Шокиров янги вақтда ешлар тарбияси билан ҳам иш олиб бормоқда. Уларни эстрада дастасига, ракс еки мусливий тарбна тўғрисидаги жалб эт

Футбол мухлисларига қўлаб қувончи халқларни ҳади этган 1994 йил мавсуми ҳам орда қолди. Командалар таштига чиққан ушбу паллада мидий оқшомига энг савомли ўйинга алоқдор ҳар бир киши — мутахассис мухлис, футболчи журналист ўтган мавсумни хаёдан қайта тиклаб, ютук ва камчиликларни таҳлил қилмоқда.

Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисида ҳукуматимиз қабул қилган қарор ўз сарасини берганини биз айнан 1994 йил мавсуми мисолида тўла-тўқис кўрдик. Апрельда Халқаро футбол федерацияси ва Осиё футбол конфедерацияси тасарруфидаги "Тошкент турнири" Марказий Осиё мамлакатлари мидий жамоаларини синовдан ўтказди. Юрдошларимиз ушбу мусобақада ишончли галабани қўлга киритиб, мухлислар дилида набатдаги зафарларга ҳам улмул уйғотди. Сентябрь ойида илк бор ўтказилган "Мус-

қу таришларига ишонч билан қарашди.

Бунинг боиси нафақат халқаро майдонлардаги зафарли одимлар, балки мамлакатимиздаги мусобақалардаги чиройли, самарали ўйин, деб айтиш жоиз. "Нефчи" футболчилари учинчи бор қўлга киритилган олтин медалларини бу йил илк бор қўлга олинган Ўзбекистон кубогига солиб қўйишга муваффақ бўлишди. Команда бош тренери Юрий Саркисян билан бирга футболчилари мураббийлар, ҳомийлари ишқибозлар ушбу бахтли дамларни яқинлаштириш учун ҳаракат қилишди. Футболчилар орасида мидий чемпионатимизнинг энг сермахсул тўлурари Равшан Бозоровни, Осиё ўйинлари чемпиолини ака-ука Дўрмоновлар, Федоров, Тихонов, Лебедев ва Атояновларни, шунингдек, Осмонов, Мамонов, Микляевларни алоҳида хурмат билан эслаб ўтиш даркор. "Нефчи"га Бухорининг "Ну-

командаси "Пахтакор" ҳақида ўқинч билан гапиршига мажбуримиз. Ҳар йили команда тренерларининг кетма-кет алмаштирилиши, бошқа бир қатор сабаблар тўғрисида гапирган Марказий Осиёда энг қўли команда бутунги кунда мамлакатимизда ҳам ўртаменга ўйин кўрсатишига ва шунга яраша ўйин эгаллашига олиб келди. Терма командада ўта ишончли ва чиройли ўйин кўрсатадиган йигитлар ўз клублари учрашуларига қайфиятига қараб ҳаракат қилишлари мухлисларни хайрон қолдирмоқда. Шухрат Максудов, Илҳом Шарипов, Абдуқаҳор Маъруфалиев, Улугбек Рўзимов, Павел Бугало, Мурод Отажонов, Мурод Алиев, Николай Ширшов, Асильбек Момунов каби истеъдодли футболчилар ўйнаётган команда қамада медаллар учун курашини заҳур. "Пахтакор" Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубогини учун бахсларнинг саралаш учрашуларига Қозғоғистон командасидан енгиллиб, муваффақиятсизлик илдизлари чуқурлашиб бораётганини тасдиқлади. "Пахтакор" Марказий ўйингоҳига сўнги турларда команданинг энг содик ишқибозларига келиши ҳам ушбу фикримизни тасдиқлаб турибди.

Футбол ЗАФАРЛАРГА ТўЛА МАВСУМ 1994 йилги биринчилик яқунларига доир

тақиллик кубогини" бахсларида мидий терма жамоамиз зафар кўчига, унингдиз янада мустахкамланди. Хиросидада октябр ойида бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида эса бундай нуфузли мусобақаларда илк бор иштирок этишига қарамай, Рустам Акрамов шогирдлари етти учрашувиинг барчасида рақибларини енгиб, чемпионликни қўлга киритдилар.

Шоҳсулага кўтарилганлар орасида галабага муносиб ҳисса қўшган тошкентлик футболчиларини эслаб ўтсак мусобақанинг энг яхши дарвозабони Юрий Шейкин, химочилар Февзи Давлатов ва Улугбек Рўзимов, ярим химочилар Илҳом Шарипов ва Абдуқаҳор Маъруфалиев, ҳужумчи Шухрат Максудов. Бугунги кунда чет эл клубларида муваффақият билан тўп сураётган Мирзаалӣ Қосимов (турнирнинг энг яхши ярим химочиси), Игорь Шкинрин (мусобақанинг энг яхши ҳужумчиси ва энг яхши ўйинчиси), Азамат Абдураимов ҳам бевосита пойтахтимизда камол топилган.

Фарғонанинг "Нефчи" ко-

рафшон" ҳамда Наманганнинг "Навбахор" командаларига бирмунча қаршилик кўрсата олинди. "Нурафшон" чемпионатининг деярли сўнги турларига фағонликларнинг муддатидан анча аввал чемпион бўлишларига йўл қўймади. "Навбахор" эса "Нефчи"ни ушбу мавсумда икки марта ("Пахтакор-79" турнири ва Кубок ярим финалида) мағлуб эта олган ягона командадир. Бу командаларнинг кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиши ҳам уларнинг ўйинига муносиб баҳо бўлди.

Абсуски, пойтахтимиз командалари ана шу курашда фаол иштирок эта олдилар. Марказий Ҳарбий Спорт Клуби (МХСК) футболчилари мавсумнинг дастлабки турларида йўқотган очколар Баҳром Ҳакимов шогирдларининг шоҳсулага кўтариллишларига йўл қўймади. Шундай бўлса-да, чемпионат давомида командага бир қатор истеъдодли ўйинчиларнинг таклифи этилиши, уларнинг бошқа футболчилар билан бирга чиройли, ҳужумкор ўйин намойиш этиши мухлислар дилида келгуси йил-



мандаси Осиё чемпионлари кубогини учун саралаш учрашуларига Марказий Осиё давлатлари чемпионларини орда қолдириб, Сўтра Эрон чемпионидан устун келди. Нихоят, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Каттар чемпионлари билан бахсларда ҳам қилувчи ўйинларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари фағонликлар мамлакатимиз футбол байроғини бундан буён ҳам балад

ларда айнан шу команда тўртинчи ўринни тарқ этиб, медалларни қўлга киритишга ишонч уйғотди. Февзи Давлатов, Нўмон Ҳасанов, Низом Насриддинов, Рустам Абдуллаев ва бир қатор бошқа ўйинчилар бу йил МХСК ишқибозлари сонини ортиришга эришдилар. Шу ўринда мамлакатимиз Мудоффа вазирининг футболга алоҳида эътибор билан қарашини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

"Нефчи" нуфузли мусобақаларда курашини давом эттираётгани, амалга оширилатган қатор хайрли тадбирлар футболимиз келажатига ишонч билан боқилиши тақозо қилмоқда.

Биз зафарларга бой 94-йил футбол мавсуми билан хайрлилар шарҳи эканмиз, келгуси мавсумлар оранкиш билан, янги оруз-умидлар билан кутиб қоламиз.

Мирзаҳаким ТўХТАМИРЗАЕВ,
футбол шарҳловчиси.

ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИНИНГ	ЖАДВАЛИ					
	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
"Нефчи"	30	21	9	0	83-35	51
"Нурафшон"	30	20	4	6	63-31	44
"Навбахор"	30	17	6	7	58-26	40
МХСК	30	16	7	7	57-28	39
"Темирйўлчи"	30	16	4	10	50-42	36
"Сўдубеина"	30	14	7	9	53-35	35
"Политотдел"	30	14	7	9	45-35	35
"Пахтакор"	30	12	10	8	55-38	34
"Трактор"	30	10	7	13	27-33	27
АСК	30	11	4	15	42-51	26
"Наврўз"	30	11	3	16	34-50	25
"Янгир"	30	8	6	16	44-44	22
"Атласчи"	30	6	7	17	28-58	19
"Чирчик"	30	8	2	20	31-77	18
"Орол"	30	6	3	21	29-65	15
"Тулистон"	30	6	2	22	16-67	14

Бош муҳаррир **Эркин ЭРНАЗАРОВ.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМГАРМА БАНКИ • ЎЗБЕКБИРЛАШУВ • ЎЗБЕКСАВДО

1994 йилги "СОВГА" лотереясини чиқарди

"СОВГА" лотереяси - бу Сизнинг орзуингиз!
Бунақаси ҳали бўлмаган.



"СОВГА" пул-буюм лотереясида автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель комплеклари, гиламлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларини ютиш имконияти бор.

ЎЗИНГИЗ ЎЙЛАБ КЎРИНГ:
ЧИҚАРИЛГАН ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯНИНГ УМУМИЙ СУММАСИНИ 70 ФОЙИЗИНИ ЮТУҚЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.
СОВГА лотерея билетлари Ўзбекистон Жамгарма банкнинг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида, жамоатчи билет тарқатувчилар орқали сотила бошланди.

Сиз Ўзбекистон Жамгарма банкнинг барча муассасалари, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари орқали бу ҳақда янада батафсил маълумот олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ - ОИЛАНГИЗ УЧУН СОВГАДИР!

Билетнинг баҳоси - 10 сўм.
Шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.



ЛОТЕРЕЯ ЎЙИНИДА ҚАТНАШИБ, ЮТИНГ!
СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОГИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"ЧИЛОНЗОР" даҳасида кабелларни қайта тиклаш ишлари олиб борилиши муносабати билан 19-мавзедаги 1-63 уйлар, 20 мавзедаги 1-43 уйлардаги 76-АТС абонентларида

30 ДЕКАБРГАЧА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ

ШПИЛЬКОВ, К. ЛИБКНЕХТ, ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ кўчаларида, генерал КАРИМОВ кўчасининг 1 ва 2 боши берк кўчаларидаги кабель капитал таъмирланиши муносабати билан

25 ДЕКАБРГАЧА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолангириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

"Инсам" кичик қорхонаси

Шарқ тиббиёти бўйича мутахассислар: Кореялик шифокорлар келтирилган шифобахш ўсимликлар ёрдамида саломатлигинизни мустаҳкамлашга ёрдам берадилар.

ҚАБУЛ "УЗАГРОСТРОЙРЕМОНТ" биносида /метронинг

"Мирзо Улугбек", "Чилонзор" бекатлари, "Ц" мавзеси / хар куни / шанба ва яқнабадан ташқари / ўтказилади.

"ҚИЗИЛҚУМРЕДНОЁБМЕТОЛТИН" КОНЦЕРНИ ЗАРАФШОН ВА УЧКУДУҚ шаҳарларида ишлаш учун кўйидаги мутахассисларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

4, 5, 6 разрядли токарь-карусельчи, 4-6 разрядли токарь-чарччи, 4-6 разрядли токарь, 4-5 разрядли темирчи (болга ва прессларда), 6 разрядли чилангар-таъмирловчи, ускуналарни таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи 5-6 разрядли электрчи, 4-5 разрядли мисгар, уста-электрчи, 4-5 разрядли электрчи, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича 4-5 разрядли чилангар, карьернинг кўп юк ташийдиган автосамосвали хайдовчиси (қамада 3 йиллик хайдовчилик тажрибасига эга бўлган), ускуналарни таъмирловчи ва навбатчилик қилувчи 5-8 разрядли электр чилангар, 5-8 разрядли аккумуляторчи, 5-6 разрядли кимевий анализ лаборанти, 6-8 разрядли кўприкли кран машинисти, юк кўтарадиган машиналарни таъмирловчи 5 разрядли электрчи, радионинженер.

Телефон 32-00-25.
ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕХНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ХИМОЯ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ.

Яккасарой туманидаги масъулияти чекланган "ЭЛИТА" ЖАМИЯТИ ТУТАТИЛАДИ

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Бобур кўчаси, 22-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ТЕХНИК ЛИЦЕЙИ

бошланғич ҳарбий таълим муаллими, тарбиячи, дурдгор, электргаз пайвандчи, электрчи, сантехник, кир ювувчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Иш ҳақи келмишлан холда.

Мурожаат учун телефонлар: 91-33-94, 93-00-09.

Лицей манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ок дарё кўчаси, 122-уй.

Тошкент "Озик-овқат" улгуржи-чакана савдо бирлашмаси ва "Яккасарой" акционерлик жамияти жамоалари "Дилрўз" жамоа қорхонасининг раиси Рауф Орипович Ҳакимовга воқидан муқтарамаси
Муҳаббат ҲАКИМОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Муассис: Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида рўйхатта олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Маънавият: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини тайёрлашнинг масъалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва яқинлиги учун жавобгарлиги ва шартларини ушбу мақолада кўриш мумкин.

Нашри етказиб бериш масъалари бўйича тузар жойлардаги почта бўлимига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта қорхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ, Орсет усулда chop этилади. Қозғо бевони - А-2. Газета IBM компютерида терида ва сақланади. Нашр кўрсаткочи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни боғамотаси. Қорхона манзили: "Суюк Широн" кўчаси, 44-уй.